

## Пудрат шартномаси № 20

2022 йил 16 июл

Нурафшон шаҳар

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини қуриш бўйича инжинииринг компанияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида харакат қилувчи директор А.Хайдаров бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “AXMED-LYUKS-KOMFORT” ХК қурилиш ва таъмирлаш корхонаси номидан Низом асосида харакат қилувчи директор Ф.Мехдиев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қўйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар кўлланилади:

**«ижро ҳужжатлари»:** — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши:** ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома обьектини умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко қўчасидаги З-уйдан 2-уйгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » обьекти ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазур шартнома танлов комиссиясининг 2022 йил 13 июлдаги 116811-сонли лот бўйича электрон баёнига билан “AXMED-LYUKS-KOMFORT” ХК бириткирилиб, мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ККС билан 613 583 877 (олти юз ўн уч миллион беш юз саксон уч минг саккиз юз етминн етти) сўмни ташкил этади.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1 Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартномада ҳамда унга 1-сонли иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот (объект) нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш.

4.2 Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни далолатномалар асосида топшириш;

4.3 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.4 Қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.5 Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

4.6 Курилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

4.7 Мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, курилиш буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.8 Курилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

4.9 Курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан танишириш, таъминлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.9.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50% дан кўт бўлмаган) бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар хисобланади.

4.9.2 Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки курилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб обьектда курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари.**

5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект қурилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.2 Қурилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3 Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

5.4 Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага 2-сонли иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.6. Пудратчига шартномада келишилган тўловларни обьектни молиялаштириш бўйича Манзилли руйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин амалга оширади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати.**

6.1 Шартнома миллий валюта (сўм)да ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, бироқ кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўм)да ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўtkazilgandandan keyin kuchga kirodi:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага 1-сонли илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ, Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки курилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб обьектда курилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.3. Электрон танилов натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вақти қурилиш ишлари бошланган кундан эътиборан 35 куни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида аванс ўtkazadi, bu жами 184 075 163 (бир юз саксон тўрт миллион етмиш беш минг бир юз олтмиш уч ) сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ обьектнинг

умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% доирасида амалга оширилади, бу **582 904 683** (беш юз саксон икки миллион тўқиз юз тўрт минг олти юз саксон уч) сўмни ташкил этади.

7.4 Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати ўтганидан сўнг йил якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида амалга оширилади.

7.5 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш.**

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник аудиторини тайинлайди, техник аудитор Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда қурилиш ишларни олиб бориш тартибини Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни топширади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавобгар хисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан амалга оширади.

8.9.1. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

8.9.2. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.9.3. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9.4. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.9.5. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мазкур конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.9.6. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги босқич бошқа ишларни бажаришга киришади.

8.9.7. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлирни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.9.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига қоплади.

8.9.9. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўчаолосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарб ташлайди.

8.1.0. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриқлаш.**

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бир томонлама бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тартиби.**

11.1. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беş кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар.

### Пудратчи:

12.1 Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

12.2 Лойиха ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

12.3 Пудратчи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4 Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

12.5 Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати жорий йилнинг декабр ой этиб белгиланади.

12.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

12.8. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиши.

### Буюртмачи:

13.1 Мазкур шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

13.2 Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолларда;

13.3 Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

13.4 Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёrlари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

### Пудратчи:

13.5 Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

13.6 Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қўлган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдиндан ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома тарафларнинг бирортасини айби билан бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

14.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирумаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган ишлар суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномада белгиланган жами муддатнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳукуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни ҳам қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо қонун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, бироқ, ушбу объектнинг молиялаштирилиши бўйича Буюртмачининг мажбурияти Манзилли руйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

16.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

### Буюртмачи:

Тошкент вилояти худудий филиали “Кўп хонадонли уйларни муқаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК

Тошкент в Нурафшон ш Тошкент йули кўчаси  
32  
л/с 100021860274017043700110005  
Марказий банк Бош бошкармаси  
МФО: 00014, ИНН: 307905631  
ОКЭД 43220  
Тел:  
Малия Вазирлиги Фазначилиги  
л/с 23402000300100001010




А.Хайдаров

Юрист  Э.Каримов

### Пудрат ташкилот:

“AXMED-LYUKS-KOMFORT” ХК

Ташкентский обл., Чирчикский р-н,  
Кабутар МФЙ, 3-й микрорайон  
АКБ Капиталбанк Чорсу филиали  
Р/С 2020 8000 5050 4290 3001  
МФО 01033 ИНН 306258378

Директор  Ф.Мехдиев



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кўп хондонли уйларни мукаммал ва  
жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик  
таъминоти обьектларини куриш бўйича  
инжиниринг компанияси” тошкент вилояти  
худудий филиали директори

А.Хайдаров

“ ” июл 2022 йил

« Тошкент вилояти Чирчик шахри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-уйгача бўлган масофадаги  
узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » обьекти (116811 лот)  
бўйича йғилиш

**10/1-сон БАЁНИ.**

2022 йил 16 июл

Тошкент шахри

« Тошкент вилояти Чирчик шахри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-уйгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр  
иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш »

Йғилиш раиси:

А.Хайдаров

“Кўп хонодонли уйларни мукаммал ва  
жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик  
таъминоти обьектларини куриш бўйича  
инжиниринг компанияси” Тошкент  
вилояти худудий филиали директори

Катнашдилар:

А.Юсупов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент  
вилояти худудий филиали умумий бўлими  
етакчи мутахассиси .

У.Абдушукуров

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент  
вилояти худудий филиали лойихаларни  
техник назорат қилиш бўлими бош  
мутахассиси

Ф.Турсунов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент  
вилояти худудий филиали лойихаларни  
техник назорат қилиш бўлими бош  
мутахассиси

Э.Каримов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент  
вилояти худудий филиали юристи

**КУН ТАРТИБИ:**

« Тошкент вилояти Чирчик шахри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-уйгача бўлган масофадаги  
узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » обьекти бўйича .

Кун тартибидаги масала бўйича йғилиш раиси А.Хайдраов йғилиши очик деб эълон қилиб 2021  
йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғрисидаги конун талаблари асосида « Тошкент  
вилояти Чирчик шахри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-уйгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик  
тармоқларини янгисига алмаштириш обьекти бўйича танлов савдолари эълон қилинганлиги хақида  
қисқача маълумот берил үтди ва сўз навбатини маркетинг бўйли мутахассиси йғилиш котиби -  
Э.Султановга берди. Котиб йғилиш иштирокчиларига танлов савдоларини үтказиш жараёни  
хақида қисқача танишириб үтди, ҳамда ушбу обьект бўйича танлов савдосини үтказиш  
тўғрисидаги эълон, etender.uzex.uz махсус ахборот порталига 2022 йил 30 июнда лоти раками  
116811 эълон берилиб 7 июлда тугаганлиги ва 3 та талабгор ташкилоти катнашиб “АХMED-  
LYUKS-KOMFORT” ХК ғолиб бўлганлиги тўғрисида танлов комиссиясининг электронний

баённомаси шакллантирилганлиги ва бугунги кунга кадар мазкур лот бўйича хеч кандай эътиroz бўлмаганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

### Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Муркетинг булими Султанов Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-уйгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш объекти ғолиби “AXMED-LYUKS-KOMFORT” ХК билан 1 кун муддатда шартнома расмийлаштирилсин.

2. Бош хисобчи Сайдахрарова “AXMED-LYUKS-KOMFORT” МЧЖ га 2 кун муддатда белгиланган тартибда молиялаштирилсин.

3. Мазкур баённинг ижросини назорат килишни уз зиммамда колдираман

#### Қатнашди:

А.Юсупов

Ф.Турсунов

У.Абдушукуров

Э.Каримов

Баённома юритди : Э.Султанов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana:03-06-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 45296**

**Obyekt nomi** «Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-йгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш»

**Buyurtmachi** - ООО «SUPER PROJECTS CENTER» (ГУП «ИК по капитальному и текущему ремонту МЖД и СТ по Ташкентской области»)

**Bosh loyihasi** - ООО «SUPER PROJECTS CENTER». № АЛ-001879 от 02.08.2021г.

**Litsenziya** № АЛ-001879 от 02.08.2021г.

**Moliyalashtirish manbai** - Бюджетные средства

**Bosh pudratchi** - Определяется по результатам тендерных торгов.

**Qurilish turi** Капитальный ремонт

**Murojaat raqami:** № 42867

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Задание на расчет стоимости в текущих ценах по объекту «Замена тепловых сетей протяженностью 320 метров с З по ул.Оспенко 2, г.Чирчик, Ташкентская область», утвержденное заказчиком ГУП «ИК по капитальному и текущему ремонту МЖД и СТ по Ташкентской области» от 2022г.

1.2. Письмо заказчика №28 от 20.05.2022г.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Дефектный акт по объекту; «Замена тепловых сетей протяженностью 320 метров с З по ул.Оспенко 2, г.Чирчик, Ташкентская область» утвержденный заказчиком ГУП Чирчик «Иссиқлик энергияси» ИЧК от 2022г.

2.2. Расчет стоимости сметной документации в текущих ценах по объекту в сумме 708280,852тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.

Локальные ресурсные ведомости и ведомости расхода материалов.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

По утвержденным дефектным актом на дополнительные виды работ по объекту «Замена тепловых

сетей протяженностью 320 метров с З по ул. Оспенко 2, г. Чирчик, Ташкентская область», предусматриваются следующие виды работы:

- прокладка трубопроводов Д-219 мм
- демонтаж трубопроводов в непроходных каналах краном, диаметром труб до: 200 мм;
- прокладка трубопроводов в непроходном канале, диаметр труб 200 мм
- демонтаж задвижек, отводов d 200мм, d 100мм, металлических;
- обратная засыпка грунта после монтажных работ;
- разборка покрытий и оснований асфальтобетонных
- установка перекрытия сверху существующих лотков (плита перекрытия 3x1,20 м)
- устройство оснований толщиной 15 см из щебня фракции 40-70 мм;
- устройство покрытия толщ. 4 см из горячих асфальтобетонных смесей крупнозернистых типа АБ
- установка фасонных частей стальных сварных Ø100-250 мм /отвод д=219мм/ и др.

3.2. Сметная документация разработана с использованием сметно-нормативной базы, действующей в Республике Узбекистан.

Расчетная документация составлена в договорных текущих ценах в соответствии с Постановлением Кабинета Министров от 11.06.2003года №261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов» и Постановлением Кабинета Министров от 12.05.2004 года №226. «О внесении изменений в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и «Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах»-ШНК 4.01.16-09. В сметной документации приняты исходные данные в соответствии норм ШНК 4.01.16-09 «Правила определения стоимости строительства в договорных текущих ценах».

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

-

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

4.1. Заказчиком - ГУП «ИК по капитальному и текущему ремонту МЖД и СТ по Ташкентской области» от 2022г.

4.2. Проектной организацией - ООО «SUPER PROJECTS CENTER» от 2022 г.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

5.1. В процессе рассмотрения в документацию внесены изменения и дополнения:

- откорректированы и уточнены стоимости основных строительных материалов, затрат труда рабочих-строителей, затрат на эксплуатацию машин и механизмов и др.

5.2. По результатам экспертного рассмотрения стоимость работ в текущих ценах в сумме 708280,852тыс.сум с НДС и без затрат заказчика снижена на 77021,719тыс.сум и составила 631259,133тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.

Снижение достигнуто за счет уточнения нормативов элементных ресурсных норм, затрат на эксплуатацию машин и механизмов, стоимости основных строительных материалов, затрат труда рабочих-строителей и др.

Отмечается, что уровень прочих затрат подрядной организации принят согласно среднестатистическим данным по Ташкентской области в размере 19%, а уровень отчислений по единому социальному платежу от заработной платы в размере 12%.

5.3. Документация представлена на экспертное рассмотрение без замечаний заказчика.

5.4. При производстве демонтажных работ, стоимость возврата материалов определить комиссионно совместно с заказчиком и подрядчиком.

5.5. Заказчику до утверждения необходимо согласовать документацию со всеми заинтересованными организациями в установленном порядке.

## **7. Xulosalar.**

6.1. Расчет стоимости сметной документации в текущих ценах по объекту **Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-уйдан 2-уйгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш**, с учетом результатов экспертизы рекомендуется к дальнейшему рассмотрению и утверждению со стоимостью 631259,133тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.

Рекомендованная стоимость, определенная по результатам экспертизы, не является основанием для заключения договора.

6.2. В соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов по договорным текущим ценам», утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 261 от 11.06.2003 г., и согласно постановлению Кабинета Министров, за № 46 от 31.01.2022 г. стоимость работ для проведения тендерных торгов принимается заказчиком с учетом требований действующих нормативных документов и др.

**Bosh mutaxassis:** KARABAEVA DILFUZA XUDAYBERGENOVNA

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 116811 на приобретение «Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-йгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » объекти**

Способ проведения электронный

Дата 13.07.2022

Время рассмотрения 07.07.2022 17:13

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси Тошкент вилояти худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AKRAMOV AZIZ SHAVKATOVICH	Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	SULTANOV ERKINJON GENJABAYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими	lost-9090@mail.ru
<b>Член комиссии</b>	MUXTOROV OYBEKJON ORTIQ O'G'LΙ	Директор	"SUPER PROJECTS CENTER" МЧЖ
<b>Член комиссии</b>	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси инспектори	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	“ Уйжойфондинспекцияси"нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси бошлиғи;	Уйжойфондинспекцияси"нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси
<b>Член комиссии</b>	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LΙ	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали директори;	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.07.2022 года № лота 116811.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Капитальный ремонт ,перекладка изношенных тепловых сетей</b>
Подробное описание	«Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-йгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » объекти
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	631 259 133.00
Стартовая сумма	631 259 133.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик (Кредитдан) қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>TASHKENT - STROY-KLASS MCHJ</b>	21	600000000	14	Экспертная		
<b>GIDRO STROY SYSTEM MCHJ</b>	21	Молиявий ахвол тугрисида маълумот	21	Экспертная		
<b>AXMED-LYUKS-KOMFORT XK</b>	21	21	21	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмларини мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 2 та дан кам бўлмаган кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (лизинг шартномаси ёки ижара асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги. 2. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>TASHKENT - STROY-KLASS MCHJ</b>	15	600000000	10	Экспертная		
<b>GIDRO STROY SYSTEM MCHJ</b>	15	машина механизм бўйича маълумот	15	Экспертная		
<b>AXMED-LYUKS-KOMFORT XK</b>	15	15	15	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) 2. Танлов савододагига ўхшаш профил бўйича охирги или ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>TASHKENT - STROY-KLASS MCHJ</b>	25	600000000	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GIDRO STROY SYSTEM MCHJ	25	Ухшаш объектларда иш тажриба маълумоти	15	Экспертная		
AXMED-LYUKS-KOMFORT XK	25	25	20	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) 3. Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 2 та мутахассисни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 5. Ходимларнинг йиллик уртacha сони 6. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TASHKENT -STROY-KLASS MCHJ	16	600000000	16	Экспертная		
GIDRO STROY SYSTEM MCHJ	16	Ташкилот умумий маълумот	10	Экспертная		
AXMED-LYUKS-KOMFORT XK	16	16	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TASHKENT -STROY-KLASS MCHJ	631 259 133.00	600 000 000.00 UZS	600 000 000.00	00.00	600 000 000.00	06.07.2022 16:50:47	10.00
GIDRO STROY SYSTEM MCHJ	631 259 133.00	600 959 000.00 UZS	600 959 000.00	00.00	600 959 000.00	06.07.2022 17:52:34	09.98
AXMED-LYUKS-KOMFORT XK	631 259 133.00	613 583 877.00 UZS	613 583 877.00	00.00	613 583 877.00	07.07.2022 15:39:23	09.78

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TASHKENT -STROY-KLASS MCHJ	58.4415	10	68.4415

<b>GIDRO STROY SYSTEM MCHJ</b>	71.2989	9.98404	81.28294
<b>AXMED-LYUKS-KOMFORT XK</b>	84.1554	9.77861	93.93401

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 116811 от 13.07.2022 года на приобретение «Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Оспенко кўчасидаги 3-йдан 2-йгача бўлган масофадаги узунлиги 320 метр иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш » объекты определила победителем:

**AXMED-LYUKS-KOMFORT XK**  
306258378

и резервный исполнитель: GIDRO STROY SYSTEM MCHJ (306468780)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	AKRAMOV AZIZ SHAVKATOVICH	Не согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUXTOROV OYBEKJON ORTIQ O‘G‘LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O‘G‘LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Тошкент вилоят хокимининг  
ўринбосари  
Б.Мелиев  
" " 2022 й.

Тошкент вилояти иссиқлик таъминоти корхоналарининг қозонхона ускуналари ва иссиқлик тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил дастлабки  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

млн. сўмда

Т/Р	Объектларнинг номи ва амалга ошириладиган ишлар рўйхати	Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бопка харажатлари	шундан			Топшериш муддати	Экспертиза хуносаси раками ва санаси	Тендер (тайлов) натижасига бўйича баённома раками ва санаси	Пурраташкилот номи			
			Курилиш-монтаж ишлари	Буюргачининг бошка харажатлари								
				жами	Лойиха ва экспертиза харажатлари	Шундан буюргачининг саклаш харажатлари						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10			
1	Кибрай тумани "Иссиқлик маинай" бўлими 1-сонли қозонхонасининг Зубунисо кўчасидан ўтувчи 2,0 км узунликдаги иссиқлик тармоқларини янгилаш.	18,8		18,8	18,8		2022й					
2	Ангрен шахар 5-насос станциясига карашли Обод турмуш кўчасидаги Ибн Сино кўчасининг чорраҳасига кадар бўлган Д-426 ммлик 400 метр узунликдаги иссиқлик кукурларини янгилаш.	18,8		18,8	18,8		2022й					
3	Чирчик шахар Фуркат кўчасида жойлашган "Ўзбекхиммаш" Қозонхонасига тегишли Осиленко 3 уйдан Осиленко 2 уйга борувчи 320 метр узунликдаги иссиқлик кукурларини янгилаш	644,6	613,6	31,0	18,8	12,27	2022й	45296 03.06.2022	13.07.2022 й 116811 сонли лот бўйича электрон протокол			
4	Чирчик шахар Пушкин кўчасида жойлашган "Дустлик" қозонхонасига тегишли Ал-Бухорий кўчасидан ўтувчи 270 метр узунликдаги иссиқлик тармоқларини янгилаш	340,6	315,6	25,1	18,8	6,31	2022й	45274 03.06.2022	13.07.2022 й 116816 сонли лот бўйича электрон протокол			
<b>Жами</b>		<b>1 022,7</b>		<b>93,6</b>	<b>75,0</b>							
<b>Таксимланмаган лимит</b>		<b>2 184,7</b>										
<b>Тошкент вилояти бўйича жами</b>		<b>3 207,4</b>										




О.Очилов



"Кўй хонаданли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларни куриш бўйича ижиниринг компанияси" ДУК Тошкент вилояти худудий филиал бошлиги

А.Хайдаров



С.Убайдуллаев



О.Холиколов